

КОМПОЗИТОР ТОЛИБЖОН СОДИҚОВ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИЙ ЙУЛИГА ЧИЗГИЛАР

Фарангиз Икромова Йигитали кизи-

Фарғона давлат университети “Санъатшунослик” факултети “Муסיқа таълими” йўналиши
3-курс талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6908278>

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон халқ артисти, давлат мукофоти совриндори, композитор ва дирижёр Толибжон Содиқовнинг барчага ўрнатилган бўла оладиган ҳаёт йўли ва ижодий фаолияти шу билан биргаликда ўзининг беқиёс ва сермазмун асарлари билан замонавий ўзбек муסיқа маданияти ривожланишига қўйган улкан ҳиссаси тўғрисида сўз юритилган.

Калим сўзлар: симфоник, санъат, чолғу, оркестр, пьеса, драма ашула мақом, қўшиқ, опера театр, дутор, танбур, най, балет.

ЛИНИИ ЖИЗНЕННОГО И ТВОРЧЕСКОГО ПУТИ КОМПОЗИТОРА ТОЛИБДЖОНА СОДИКОВА

Аннотация. В данной статье рассказывается об образцовой жизни и творческой деятельности Народного артиста Узбекистана, лауреата государственной премии, композитора и дирижера Тolibджона Содикова, а также о его большом вкладе в развитие современной узбекской музыкальной культуры своими бесподобными и содержательными произведениями.

Ключевые слова: симфонический, искусство, музыкальный инструмент, оркестр, пьеса, драматический певческий статус, песня, оперный театр, дутор, танбур, флейта, балет.

LINES OF THE LIFE AND CREATIVE PATH OF THE COMPOSER TOLIBJON SODIKOV

Abstract. This article tells about the exemplary life and creative activity of the People's Artist of Uzbekistan, laureate of the state award, composer and conductor Tolibjon Sodikov, as well as his great contribution to the development of modern Uzbek musical culture with his incomparable and meaningful works.

Keywords: symphonic, art, musical instrument, orchestra, pesa, dramatic singing status, song, opera house, dutor, tanbur, flute, ballet.

КИРИШ

Ўзбекистон халқ артисти, Давлат мукофоти совриндори, композитор ва дирижёр Толибжон Содиқов замонавий ўзбек профессионал муסיқа санъатига 1920 йилларнинг бошида кириб келди. Устозлардан санъат сирларини ўрганди, ўқиди, дутор, танбур, най каби чолғуларда мохир ижрочи сифатида танилди. Ўзининг ижодий, ташкилотчилик ва жамоатчилик фаолияти билан муסיқа санъатимизнинг ривожланишига биринчилар қаторида тамал тошини қўйди. Унинг яратган қўшиқ, романс, симфоник ва вокал симфоник асарлари, айниқса, муסיқали драма ва опералари яққалон, концерт ва театр жамоалари репертуарини бойитди.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Содиқов Толибжон Самарқанд шаҳрида зиёлилар оиласида 1907 йилда таваллуд топди. У эски мактабда 7 ёшидан бошлаб ўқиди, 1920 йилдан янги мактабда ўқишини давом эттирди. Бу ерда ташкил топган муסיқа тўғарагига қатнашади. Туғма истеъдод соҳибига муסיқа, адабиёт ва тарихга меҳр қўйган Толибжон астойдил ўқиди, тинимсиз дутор ва танбурда машқ қилиб, тез орада ҳаммани ҳайратда қолдира оладиган ижрочи сифатида танилди. 1924 йили Самарқанд Ўзбекистон Республикасининг пойтахти деб эълон қилинган йили Толибжоннинг

тақдирида ҳам кескин бурилиш рўй берди. Пойтахтда маданият ва санъат муассасаларига эътибор қаратилиши билан санъат гуруҳлари, театр ва концерт ташкилотлари, бадий ҳаваскорлик тўғарақлари бирин - кетин пайдо бўлади ва улар ўртасида танловлар ўтказиш анъанага айлана бошланди. Толибжон шаҳардаги санъат гуруҳларига қўшилиб, концертларда қатнашар эди. 1927 йили Самарқандда машҳур, келгусида Ўзбекистон халқ артисти Али Ардобус (Иброҳимов) ёш ҳаваскор санъаткорлардан «Кўк кўйлақчилар» тўғарагини тузди. Мусиқа раҳбари этиб Толибжон Содиковни таклиф этди. Мазкур тўғарақ келгусида санъатимиз намояндлари Дони Зокиров, Манас Левиев, Исохор Оқилов, Наби Ҳасанов, М. Халилов, Асрор Жўраев, Воҳид Абдуллаев, Жалол Обидов, Мирбобо Зиёев, Микоел Калантаров ва бошқалар қатнашдилар. 1925 йилда Самарқанд мусиқали театрига Тошкент халқ консерваториясини битирган Юнус Ражабий мусиқа раҳбари этиб тайинланди. Шу йилдан бошлаб Толибжон Содиков устоздан най чалишни ўрганди ва театр созандалар ансамблида қатнашиб турди. 1928 йилдан бошлаб найчи бўлиб театрда ишлади. 1930 йили сахна юзини кўрган «Боғбон қиз» (С.Абдулла пьесаси) спектакли учун у мусиқа басталади. 1928 йили Самарқандда Н.Миронов раҳбарлигида Ўзбекистон мусиқа ва хореография илмий тадқиқот институти ташкил топди. Биринчи талабалар қаторида Т.Содиков ҳам бор эди. Бу даргоҳда у устозлардан: Ота Жалол Назиров, Домла Ҳалим Ибодов, ҳофизлардан, Ҳожи Абдурахмон танбурчи, М.Харратов чангчи, А. Исмоилов найчи, А.Умурзоқов - кўшнайчилардан Фарғона - Тошкент, Бухоро ва Хоразм мусиқа услубларини ўрганди. Н.Н.Миронов нота ёзуви, солфеджио, мусиқа назарияси ва тарихидан сабоқ берди. Институт режасига асосан Т.Содиков курсдошлари М.Ашрафий ва Ш.Рамазоновлар билан Н.Н.Миронов бошчилигида биринчи маротаба халқ кўшиқ ва куйларини нотага ёзиб, 1931 йилда «Песни Ферғаны, Бухары, Хивы» номли тўплам нашрдан чиқди. Курсдошлар «Садраш» номли илк симфоник асарни ҳам ҳамкорликда яратишди.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

1930 йили Т.Содиков Ҳамза номидаги ўзбек драма театрининг созандалар ансамблига раҳбарликга таклиф қилинди. У 1932 йилга қадар ишлаб, чолғу ансамбли таркибини кенгайтирди, ижро сифатини яхшилади, театр репертуаридаги сахна асарларининг мусиқасини қисман янгилади, драматург К.Яшиннинг «Ёндирамиз» драмасига мусиқа басталади. 1933 йили Ўзбекистон давлат мусиқий театр оркестрига (1939 йилдан бошлаб А.Навоий номидаги опера ва балет театри) дирижёр лавозимига таклиф этилади. Дирижёрлик иши билан бирга 1933 йили «Лайли ва Мажнун» (Ш. Хуршид пьесаси), 1935 йили «Хужум» (Чўлпон ва В. Ян пьесалари) ва 1936 йили «Пўртана» спектаклларида мусиқа басталади.

1934 йили Т.Содиков Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасини ташкил этиш ваколатини олди. Мазкур уюшманинг таъсис ҳайъати 1938 йилда Ўзбекистон Санъат Бош бошқармаси томонидан тасдиқланди. Таъсис ҳайъатига Толибжон Содиков - раис, М.Ашрафий - раис ўринбосари, Карим Абдуллаев - масъул котиб ва аъзолар буйруқ билан тайинландилар. Уларга қурултойга тайёргарлик кўриш вазифаси топширилди. Иккинчи жаҳон уруши сабабли Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси биринчи қурултойи 1948 йили бўлиб ўтди.

1937 йили Москвада ўтадиган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадасига 1936 йилдан бошлаб катта тайёргарлик бошланди. Т.Содиков «Биринчи депутат» (М.Пётр сўзи) ва «Сафарбар» (Миртемир сўзи) кўшиқларини, овоз ва симфоник оркестр учун

«Ёр» (Миртемир сўзи) романсини, симфоник оркестр учун «Шодиёна» поэмаси ва «Рақс», Р.М.Глиэр билан ҳамкорликда «Гулсара» (К.Яшин пьесаси) мусиқали драмаси каби асарларни яратди. Булар декада дастурларида ижро этилди ва олқишларга сазовор бўлди. 1940 йили Р.М.Глиэр билан ҳамкорликда «Лайли ва Мажнун» (Хуршид либреттоси асосида) операсини яратди.

1935 йили Москва консерваторияси қошида М.Қориёкубов ташаббуси ва раҳбарлигида Ўзбек опера студияси ташкил топган эди. Толибжон Содиков композиторлик малакасини ошириш ниятида 1939 -1941 йилларда мазкур студияда профессорлар Р.М.Глиэрдан, композициядан Мелик Пашаевда дирижёрликдан сабоқ олди. 1941 йилда бошланган Иккинчи жаҳон уруши унинг ўқишини тўхтатди.

МУҲОКАМА

Т.Содиков ижодий фаолияти уруш ва тинчлик йилларида самарали бўлди. У бирин - кетин мусиқанинг турли шакл ва жанрларида кўплаб асарлар яратди. Улар орасида А.Ф.Козловский билан ҳамкорликда «Даврон ота» (С.Абдулла пьесаси, 1941й.) М.Бурхонов, М.Вайнберг, Т.Жалилов, Н.Ҳасанов, А.Каримовлар билан ҳамкорликда «Ўзбекистон қиличи» драмаларини (1942 й.), «Гулхан» (Ш. Саъдулла пьесаси, 1943 йил) болалар учун спектаклга мусиқа басталади. 1942 йилда Миртемир билан ҳамкорликда 5 та кўшиқ ва 4 та романс ёзди. Айниқса, унинг «Булбул» (Камтар шеъри), «Баҳор» (Миртемир шеъри), «Сарвиғул» (Навоий шеъри), «Жонон кўринур» (Низомий шеъри) романслари машҳур бўлиб кетди. Буларни хонандаларнинг бир нечта авлодлари ижро этиб келмоқдалар.

Уруш йиллари яна яқка хонанда ва симфоник оркестр учун «Интизор» номли вальс, «Фарход қурилиши» симфоник поэмаси ва жангчиларга бағишланган махсус «Кино концерт» фильмига мусиқа танлади ва ёзди. Урушдан кейинги йилларда у «Севаман» (С.Абдулла пьесаси) мусиқали комедия (1945 й.) «Армуғон» (А.Бобожонов пьесаси) мусиқали драма Р.М.Глиер билан ҳамкорликда «Гулсара» (К.Яшин либреттоси) (1949 й.), «Лайли ва Мажнун» (Ш.Хуршид либреттоси) операсини 1949 йил таҳрир қилдилар., «Зайнаб ва Омон» операсининг (1957 й.) биринчи пардасини ёзишга улгурди. 1958 йили Зулфия либреттоси асосида ёзилган ушбу операни Ю.Ражабий, Д.Зокиров ва Б.Зейдманлар охирига етказишди ва ўша йили премьераси бўлди. Мазкур опера 1959 йили Москвада ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати 10 кунлигида бошқа опералар қатори намойиш этилди. 1951 йилда Москвада ўтган Ўзбек адабиёти ва санъати декадасига бағишлаб яқка овоз ва симфоник оркестр учун «Москва» (А. Пўлат сўзи) номли кўшиқ, мумтоз «Ушшоқ» мақом ашуласини қайта ишлаб, симфоник оркестрга мослаштирди, «Ватан» ҳақида туркум кўшиқлар композитор Б. Бровцин билан ҳамкорликда иккинчи «Киноконцерт» яратди. Муқимий шеърларига тўқилган ўзбек халқ ашула ва яллаларни овоз ва симфоник оркестр учун мослаштирди. Турли мавзуларда, классик ва замондош ўзбек шоирларнинг шеърларига бир қатор кўшиқ, ашула ва романслар яратди. Уларнинг аксарияти 1949 - 1956 йилларда тўпламларга киритилиб чоп этилган. Т.Содиков 1957 йили «Хур Ватан» ва «Бахтиёр ёшлик» (А.Бобожон сўзлари), «Жоним, ишон» (Мирмуҳсин сўзи) номли кўшиқлар яратди.

Композитор Толибжон Содиков Ўзбекистоннинг замонавий мусиқа маданиятини ривожланишидаги улкан хизматлари учун, 1939 йили «Ўзбекистон халқ артисти» фахрий унвони, Ўзбекистон ҳукуматининг фахрий ёрликлари, орден ва медаллар билан тақдирланган.

ХУЛОСА

Ажойиб инсон, халқимизнинг сеvimли композитори, дирижёр ва жамоат арбоби Толибжон Содиқов 1957 йили оламдан кўз юмди. Тошкент шаҳар болалар мусиқа мактаби ва пойтахти кўчаларидан бирига унинг номи берилди. 2003 йилда Т. Содиқов «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланди.

REFERENCES

1. Музыкально- энциклопедический словарь. Москва. 1990 г.
2. Ф.Кароматов. Вопросы музыкознания (материалы симпозиума) 1980 г.
3. А.Жабборов.Т.Соломонова.Композиторы и музыковеды Узбекистана.Ташкент. 1975.
4. А.Жабборов. Ўзбекистон бастакорлари ва мусиқашунослари. Тошкент.2004.
5. Ю.Ражабий. И. Акбаров. Ўзбек халқ мусиқаси тарихи, (Ўқитувчи). 1981 йил.
6. Т.Қиличев. Хоразм халқ театри.
7. M.Achildiyeva 2021 Academic Yunus Rajabi and His Scientific Heristage Annals of Romanian Society for Cell Biology 25(4) 9092-9100
8. Achildiyeva M, Xojimamatov A, Ikromova F (2022) Shashmaqom saboqlari: "Navo" maqomi xususida. INTERNATIONAL JOURNAL FOR ENGINEERING AND MANAGEMENT RESEARCH 11(01) 55-58
9. Achildiyeva M, Ikromova F (2021) ABOUT MAHMUDJON TOJIBOYEVS PEDAGOGICAL ACTIVITY GALAXY INTERNATIONAL INTERDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL (GIIRJ) 9(5) 240-244
10. Achildiyeva M, Ikromova F (2021) TANBUR ONE OF ANCIENT INSTRUMENTS GALAXY INTERNATIONAL INTERDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL (GIIRJ) 9(6) 302-308
11. Achildiyeva M, Ikromova F(2022) CHOIR ART IN UZBEKISTAN BOTIR UMIDJONOV (EURASIAN JOURNAL OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES 7 54-56
12. Achildiyeva M, Ikromova F (2021) “The third renaissance towards ascending” EUROPEAN SCHOLAR JOURNAL “An open access, peer reviewed multidisciplinary journal” 2 (9) 17-20
13. Maxfuzakhon Karimova, Muyassarkhon Achildiyeva, Farangiz Ikromova (2021) USE FROM REDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN MUSIC LESSONS EUROPEAN SCHOLAR JOURNAL “An open access, peer reviewed multidisciplinary journal” 2 (4) 460-463
14. Achildiyeva M, Xojimamatov A,Yuldasheva D, Ikromova F (2021) Uyghur Folk Singing Genre Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry 12 (10) 3510-3515
15. Ikromova F O‘ZBEKISTON XALQ HOFIZI OCHILXON OTAXONOVNING HAYOT YO‘LI CHIZGILARI. INNOVATIVE DEVELOPMENT IN THE GLOBAL SCIENCE Vol. 1 No. 3 (2022): 151-156
16. Achildiyeva M, Ikromova F РЕЙНГОЛЬД ГЛИЭР ВА ТОЛИБЖОН СОДИҚОВНИНГ «ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН» ОПЕРАСИДА МАҚОМ ЙЎЛЛАРИНИНГ КЎЛЛАНИЛИШИ UIF-2022: 8.2 SCIENCE AND INNOVATION ISSN: 2181-3337 INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL 2022 №4 23-28 bet
17. Xojimamatov A, Ikromova F МУСИҚИЙ САҲНАВИЙ АСАРЛАРНИНГ ИЖРОЧИЛИК МУАММОЛАРИ (ЎЗБЕКISTОН КОМПОЗИТОРЛАРИ ИЖОДИ

МИСОЛИДА) UIF-2022: 8.2 SCIENCE AND INNOVATION ISSN: 2181-3337
INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL 2022 №4 29-33 bet

18. Ikromova F SHASHMAQOMDA TURKUM ASAR TARONALARI UIF-2022: 8.2
SCIENCE AND INNOVATION ISSN: 2181-3337 INTERNATIONAL SCIENTIFIC
JOURNAL 2022 №4 29-33 bet